
POSCO МУТАСАДДИЛАРИ ҲИСОБ БЕРДИ

Ёзёвон туман кенгаши котибиятида ЎзЛиДеП туман Кенгаши депутатлик гуруҳининг иш режасига асосан, туманда фаолият юритиб келаётган "POSCO INTERNATIONAL TEKISTIL" МСНҲ кластери раҳбариятининг Фарғона вилоят ҳокимининг 2022 йил 28 февраль кунги ишонч хатида МЧЖ томонидан 100 млн доллар инвестиция киритиб, 5000 та янги иш ўрни яратиш бўйича 2022-2023 йиллар мобайнида туманда амалга оширилаётган ишлар ҳисоботни ҳамда янги иш ўринлари яратиш эвазига туманда ишсизликни бартараф этишга кўмаклашиш ишлари бўйича МЧЖ директорининг кластер бўйича ўринбосари Учқун Ҳакимжонов ҳамда кадрлар бўлими бошлиғи Ҳусниддин Абдувалиевнинг ахборотлари тингланди. Учқун Ҳакимжонов хорижий корхона тарихи, унинг ривожланиши, ўтган бир йил давомида Ёзёвон туманида амалга оширилган ишлар ва режалар ҳамда маҳаллий ҳокимият билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ҳақида депутатларга маълумот берди.

--Юқори Сойбўйида пахтани қайта ишлаш заводи билан бирга фермерлар маркази, ўқув маркази қуриляпти,-деди ахборотчи.--Фермерлар учун бухгалтерия маркази, банк хизмати шу ерда кўрсатилади. Ўқув марказида тор доирадаги мутахассислик, тил ўргатиш курслари очилади. Заавод, фабрика бўлгач, мутахассислар керак.Улар шу ерда тайёрланади. Ижтимоий соҳа бўйича 2-3 минг киши иштирокида спорт кунлари ташкилланади. Чет эллик мутахассислар иштирокида туман аҳолиси учун бепул кўз жарроҳлик операциялари ўтказишни режалаштиряпмиз. Кадрлар бўйича мутахассис Юқори Сойбўйи МФЙда бунёд этилаётган пахтани қабул қилиш ҳамда қайта ишлаш завоидига ҳозиргача 257 нафар ишчи қабул қилингани, тўлиқ ишга тушгач, бу рақам 850 га етишини айтди. Қолаверса, ёғ-мой заводи, нотўқима матолар фабрикалари қурилади.

Депутатлик гуруҳи эшитуви жудаям бахс- мунозараларга бой тарзда ўтди. Депутатлар меҳмонларни саволлар билан кўмиб ташлашди.

Эшитувда фуаролар ишга қабул қилиш бўйича бир қатор бюрократик тўсиққа учраётганликлари, янги иш ўринларига "Аёллар дафтари", "Темир дафтари", " Ёшлар дафтари"га киритилган фуқороларни қабул қилиниши, Меҳнат ярмаркаси ташкил этилиб, ишга қабул қилишни шаффофлигини таъминлаб, бу борада намуна бўлишни, касб-ҳунар мактаблар эҳтиёжидан келиб чиқиб, йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаш жараёни тадбиқ қилиниши, 2022 йил фермер хўжаликлардан бўлган қарздорликларни сўндириш, янги инновацион технологияларни қолақ фермерларда жорий қилиб унумдорликни ошириш, МЧЖ манзилини тезроқ туманга олиб келиб, у томонидан тўланадиган солиқларни жалб қилиш тадбирларини кўриш масалалари кўтарилди. Кўтарилган масалалар бўйича туман сессиясига масалалар киритилиши тўғрисида келишиб олинди.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2023-05-12 14:47:37